

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**387 «Uz-China Uran» масъулияти чекланган жамият  
Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасини ташкил  
этиш тўғрисида**

Геология-қидирув ишларини ва қаттиқ фойдали қазилма бойликлар қазиб олишни янада кенгайтириш, республика ҳудудида хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда қора сланец типигаги уран рудасини бойитиш технологияларини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

**1. Қўйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан Хитой Халқ Республикасининг Ривожлантириш ва ислохотлар ишлари давлат қўмитаси ўртасида уран соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланганлиги;

кўрсатиб ўтилган Битим доирасида геологик ўрганиш ишларини ташкил этиш учун томонлар, биринчи навбатда, қора сланец типигаги уран конини аниқлашга истикболли майдон сифатида Навоий вилоятидаги Бозтов майдонини белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг Хитойнинг «CGNPC Uranium Resources Co., Ltd» Гуандон ядро-энергетика корпорациясининг шўъба компанияси билан Навоий вилоятидаги истикболли Бозтов майдонида қора сланец типигаги уран конини аниқлаш мақсадида тадбиркорлик таваккалчилиги шартларида геологик ўрганиш ишларини олиб бориш учун масъулияти чекланган жамият шаклида «Uz-China Uran» қўшма корхонаси ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки, «Uz-China Uran» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонасининг устав капитали миқдори 4,6 млн. АҚШ долларини ташкил этади, ундан:

«CGNPC URC» компаниясининг 50 фоиз миқдоридаги улуши пул маблағлари ва асбоб-ускуналар ҳисобига шакллантирилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 50 фоиз миқдоридаги улуши истикболли Бозтов майдонида илгари олиб борилган геология-қидирув ишлари давомида олинган геологик, геофизик ва бошқа маълумотлар ҳисобига шакллантирилади.

Бозтов майдонида геологик ўрганиш ишлари салбий натижалар берган тақдирда «CGNPC URC» компанияси томонидан жалб этилган маблағлар, шу жумладан кредитлар қайтарилмайди.

4. «CGNPC URC» компаниясига хорижий инвестор сифатида «Uz-China Uran» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни жаҳон нархларида сотиб олишда устунлик ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси:

«Uz-China Uran» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонасига истиқболли Бозтов майдонини геологик ўрганиш учун ер ости участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига белгиланган тартибда уч йил муддатга лицензия берсин;

геологик ўрганиш ишлари натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига геологик ўрганиш ишларини олиб бориш аниқланган конда таркибида уран мавжуд бўлган рудаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш қувватларини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклиф киритсин.

6. Навоий вилояти ҳокимлиги «Uz-China Uran» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонасига истиқболли Бозтов майдонида геологик ўрганиш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган ер участкаларини белгиланган тартибда ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Uz-China Uran» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонасининг буюртманомалари бўйича қўшма корхона фаолиятида қатнашаётган хорижий мутахассисларга кириш визалари, шу жумладан кўп марталиқ кириш визалари белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Uz-China Uran» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонасининг буюртманомалари бўйича қўшма корхона фаолиятида қатнашаётган хорижий мутахассисларга белгиланган тартибда кўп марталиқ визалар берилишини ва кўп марталиқ визалар узайтирилишини, шунингдек улар яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш узайтирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги «Uz-China Uran» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонасига қўшма корхона фаолиятида қатнашиш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этишга белгиланган тартибда рухсатнома берилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шаисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 28 август,  
251-сон